Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2022 йил
14 апрель
пайшанба
№ 47
(4643)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz





Наманган вилояти

**«Ishonch» газетасининг шу йил 15 мартдаги сонида Наманган вилоятида яшовчи, ногирон фарзанди бор Холида Акрамованинг мурожаати чоп этилган эди.**

Мавзуга қайтиб...

## ИЛИМИЛИҚ МУНОСАБАТДАН

# КИМГА НАФ?

**Республика тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига йўлланган мурожаатда Фарғонадаги «Чимён» санаторийсида даволаниш учун бепул ва имтиёзли йўлланма олиш масаласини ҳал этишда амалий ёрдам сўралган эди.**

Яқинда унга Республика тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги муносабат билдирди. Аммо муносабатки, мақоланинг у ер бу ерига шунчаки қалам текказиб, қайта йўллаб қўя қолинган. Хуллас, сопи ўзидан чиқарилган.

**Аслида мурожаатчи агентликка:** *«Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантиринг, бизга ўхшаганларга йўл-йўриқ кўрсатинг. Вилоятдаги бошқармангиз қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб, «йўлланмани касаба уюшмаларидан олсангиз бўлади», деган баҳонани қачонгача дастак қилади?*

*Ахир, биз бас сиз айтаётган ташкилот гарчи бунга мажбур бўлмаса-да, уларнинг амалий кўмаги билан икки маротаба «Чимён»да бўлдик. Сиз йўлланмасини қўлимга тутқазаётган санаторийларнинг ҳеч бирида қизимнинг куйган терисини даволашнинг имкони йўқлиги, бунинг чораси фақат «Чимён» санаторийсида эканини ўзингиз ҳам яхши биласиз, чоғи. Шунинг учун ҳам «йўлланмадан ўз ихтиёрим билан воз кечдим», деган ариза ёздириб оляпсиз. Илтимос, бизга ўхшаганларга шу масаланинг ечимини топиб беринг»*, дея мурожаат қилган эди...

Агентликдан бу ҳолатнинг изоҳини сўраб, жавоб хатида кўрсатилган рақамга сим қоқдик. Лекин ижрочи Ж.Сабиров гўшакни кўтаравермагач, агентликнинг ўзига қўнғироқ қилдик. Гўшакни кўтарган котиба қизга вазиятни тушунтирдик. Бироқ котиба «сизга ўзимиз қўнғироқ қиламиз», дея суҳбатни қисқа қилди.

Ишончимиз комилки, улар қайтиб қўнғироқ қилмайди. Шу боис яна бир бор уларга газета саҳифалари орқали мурожаат йўллаяпмиз.

**ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИГА!**

*Таҳририятга йўллаган илимилиқ жавоб хатингизни олдик! Ҳеч бўлмаса шунга вақт топганингиз учун раҳмат!*

*Аммо яна шуни англашингизни истардикки, сиз беписанд қараган масала ортида кўплаб дили ўксик, кўнгли ярим инсонларнинг тақдири бор...*

**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»



## Кун нафаси

Президентимиз **«Тиббиётда хусусий сектор фаолиятига қўшимча қулайликлар яратиш ва соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги фармонга имзо чекди.

* * *

Вазирлар **Маҳкамасининг «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида реставратор-усталар малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

* * *




**«Волонтёрлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»** ҳукумат қарори қабул қилинди.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

* * *



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири **С.Умурзоқов Рон ван Роден бошчилигидаги Халқаро валюта жамғармаси делегацияси билан учрашув ўтказди.**

* * *

Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси, Япониядаги Ўзбекистон ёшлар ассоциацияси ва «Ватандошлар» жамоат фонди ҳамкорлигида Японияга борган ва ушбу давлатда яшаётган ватандошларга кенг қамровли кўмак бериш мақсадида **«Салом, Япония» номли лойиҳага старт берилди.**

* * *

Энергетика вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги «Ўзэнергоинспекция» томонидан **EnergoWiki мобиль иловаси** ишлаб чиқилди.

* * *



Инвестициялар ва ташқи савдо вазири биринчи ўринбосари Азиз Воитов Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) бош котибининг таълим сиёсати бўйича махсус маслаҳатчиси – Таълим ва кўникмалар департаменти директори **Андреас Шляйхер билан музокара ўтказди.**

* * *

**Мамлакатимизда доимий аҳоли сони ҳар куни 1,8 минг кишига ошмоқда.** Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси маълумот берди.

Навоий вилояти ҳокимига!



## «Ishonch» САВОЛИ

# РАСМИЯТЧИЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

Навоий вилояти

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги «Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув залларида архив ҳужжатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра, архив ҳужжатларидан фойдаланиш учун маъмуриятга ариза билан мурожаат қилиш ёки хат тақдим этиш зарурлиги қайд этилган.**

Шундан сўнг мурожаат архив ходимлари томонидан уч иш кунида кўриб чиқилар экан.

Хўш, буни қандай тушуниш мумкин? Ортиқча қоғозбозлик ва сонсаларликни камайтириш талаб қилинаётган айни бир паллада бундай расмиятчиликка не ҳожат? Уч кун катта вақт эмасми?

Яқинда Навоий вилояти ҳокимининг 2007 йилдаги иккита қароридан фойдаланиш учун Вилоят давлат архивига мурожаат қилдим.




Афсуски, архив бошлиғи сўровимни рад этди. Бу ҳам етмагандек, вилоят ҳокимининг қароридан кўчирма олишим учун вилоят ҳокимига расман хат билан мурожаат йўллашим зарурлигини уқтирди.

Ўйлаб қоласан киши, борди-ю вилоят ҳокими ҳам менинг мурожаатимга рад жавобини берадиган бўлса, у ҳолда кимга мурожаат қиламан? Бу нима деган гап? Бундай аҳмоқона расмиятчиликнинг даври ҳамон ўтмадими?

**Нормурод МУСОМОВ,**
«ISHONCH»



Кўрик-танлов

# КИМ ТЕЖАМКОР?

***Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда энергия тежамкорлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрик-танлов ташкил этди.***

Танлов шартларига кўра, 1-ўрин Бухоро минтақавий темирйўл узели унитар корхонаси Бухоро вагон депоси, 2-ўрин Термиз минтақавий темирйўл узели унитар корхонаси Термиз вагон депоси ҳамда 3-ўрин «Қуюв механика заводи» шўъба корхонасига насиб этди.

Ғолиблар диплом ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

**Назокат НУРМАТОВА,**
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ходимаси

Фарғона вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

# «Энди ишимиз тайин»

**Саодатхон Тусматова, Манохон Дадабоева, Ҳимоятхон Умурзоқова Ўзбекистон туманининг «Шўрқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшайди. Хонадонма-хонадон юриш орқали хотин-қизлар муаммолари ўрганилганда уларнинг кўмакка муҳтожлиги, ишсизлиги аниқланиб, «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Орадан кўп ўтмай, улар каби 15 нафар аёлга замонавий тикув машиналари топширилди.**

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳимоятхон Умрзоқова қанча синовларни бошдан кечирмади, дейсиз. Ишсизлик, чорасизлик ёмон экан. Кўп жойларнинг эшигини қоқди. Лекин ўзига мос иш топа олмади. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек, хонадонига «Қандай муаммоларингиз бор?», дея кириб келган ишчи гуруҳнинг ташрифи боис унинг мушкули осон бўлди. Мулоқот чоғида тикувчилик қўлидан келишини айтди.

– Бугун менга янги тикув машинаси берилди, – дейди Ҳимоятхон Умрзоқова. – Энди ўзим билган иш билан шуғулланаман.

– Қўлимда ҳунарим бор бўлса-да, рўзғор ташвишларидан орттириб тикув машинаси олишга қурбим етмаётган эди, – дейди Саодатхон Тусматова. – Яхши инсонларнинг кўмаги билан менга ҳам тикув машинаси тақдим этилди. Энг асосийси, энди ишсиз эмасман. Ҳунарим, меҳнатим билан оиламга даромад киритмоқчиман.

Аҳамиятлиси, ушбу аёлларнинг барчаси маҳаллаларида тикувчилик йўналишида ташкил этилган кооперацияга аъзоси бўлиб, бандликлари таъминланадиган бўлди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»







# КЕЛАЖАККА ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК!

## Ёхуд болалар соғломлаштириш оромгоҳларида аҳвол қандай?

Қизиқ ҳолат: ўтган чорак асрда мамлакатимиз аҳолиси қанчага кўпайди? Болалар-чи? Шу билан бирга, ёш авлоднинг саломатлигида муҳим аҳамиятга эга бўлган соғломлаштириш оромгоҳлари-чи?

Афсуски, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳолат ачинарли. Ўтган даврда кўплаб, жуда кўплаб оромгоҳлар йўқ бўлиб кетган. Баъзи ҳокимликлар, турли ташкилотлар эса, янги оромгоҳларни қуриш ҳақида-ку гапирмай қўя қолайлик, мавжудларини асраб қолиш тўғрисида ҳам жон койитмаган.

Энг қизиғи, оромгоҳлар масаласига ҳукумат даражасида эътибор берилиб, уларни сотиб юбормаслик, уларни ҳар жиҳатдан пухта таъмирлаб, мавсумга тайёрлаш талаб қилинса-да, қуйидаги айрим раҳбарлар бу топшириқлардан «бехабар» қолиб, ҳалигача билганича иш тутишмоқда. Яъни, ҳалигача оромгоҳлар сотиляпти...

Ҳадемай, яъни июнь ойидан болалар оромгоҳларига қабул бошланади. Хўш, айни кунларда ободонлаштириш, таъмирлаш ишларини якунига етказиш, зарур жиҳозларнинг кам-кўстини тўғрилаш, болажонларнинг ёзги таътилни қизиқарли ва мазмунли ўтказиши учун қай даражада тайёргарлик кўрилмоқда?

Афсуски, бу борада амалга оширилган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бунга ўрганишлар давомида аниқланган ҳолатлар бўйича ёзилган танқидий мақолаларни ўқиб, ўзингиз амин бўласиз.

Таҳририят жамоаси оромгоҳларни ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликлар, муаммолар ҳақида ва шунингдек, келгуси тақдири катта сўроқ остида қолаётган оромгоҳлар масаласига имкон қадар ойдинлик киритиш мақсадида ҳудудлардан туркум мақолалар тайёрламоқда.

Қуйида улардан иккитаси билан танишасиз.


»» 3-саҳифада ўқинг


## Келгуси сонларда ўқинг...






# Жамоа шартномаси муҳокамаси

*Тошкент шаҳри*




## ҚОНИҚАРЛИ БАҲОЛАНДИ

**Тошкент шаҳрида «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти маъмурияти ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2020-2022 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилишига бағишланган конференцияси бўлиб ўтди.**

Конференцияда «Ўзбекнефтгаз» АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари Рустам Шеров, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ғофуржон Ҳамидов ва меҳнат жамоаси вакили сифатида Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Муратов ҳамда департаментлар, бошқармалар ва бўлимлардан сайланган делегатлар иштирок этди.

Амалдаги жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан иш берувчи ҳамда Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг ҳисоботи тингланди.

Локал ҳужжатга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифлар эшитилди.

Асосийси, делегатлар томонидан жамоа шартномаси орқали ишчи-меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ифодаси, иш берувчи ҳамда касаба уюшмасининг бу борадаги ҳамкорлиги тўғри йўлда ва қониқарли экани эътироф этилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

*Фарғона вилояти*

## САЛОМАТЛИК БИРИНЧИ ЎРИНДА

**«Фарғона иссиқлик электр маркази» АЖда 742 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига асосан ишчи-ходимларга қатор имтиёз ва қулайликлар яратилган. Касаба уюшма қўмитаси томонидан иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши доимий назоратга олинган.**

Корхонада ходимларнинг саломатлиги биринчи ўринда туради. Жамоа шартномасига асосан ўтган йили 695 нафар ишчи-ходим иш берувчининг ҳисобидан бепул чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу мақсадлар учун 78 848 минг сўм маблағ сарфланди.

Вақти-вақти билан саёҳатларга чиқиш ҳам иш унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ўтган йили фаол ишчиларнинг 30 нафари республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатга олиб борилди. 69 нафар ходимга даволаниши учун кўмак кўрсатилди. Моддий кўмакка эҳтиёж сезган 155 нафар ишчи-ходимга ёрдам қўли чўзилди. Бундан ташқари, самарали фаолият юритган илғор ходимларнинг 65 нафари рағбатлантирилди.

Касаба уюшма аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Ноқулай меҳнат шароитларида меҳнат қилаётган ходимлар махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шунингдек, сут маҳсулоти билан таъминланган. Қолаверса, меҳнат муҳофазаси тадбирларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

«Фарғона иссиқлик электр маркази» АЖда 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилишига бағишланган йиғилишда шу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар касаба уюшмаси фаолиятини қониқарли баҳолашди.

**Раҳматжон ҒАФФОРОВ,**
«Фарғона иссиқлик электр маркази» АЖ матбуот котиби





*Жиззах вилояти*

**Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси ҳамда вилоят давлат солиқ хизмати органлари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2021 йилдаги ижроси юзасидан конференция ўтказилди. Унда бажарилган ишлар юзасидан масъулларнинг ҳисоботлари тингланди.**



## РАҒБАТ БОР ЖОЙДА...

Таъкидланганидек, маъмурият ва касаба уюшмаси ишчи-ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт тадбирларига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, тизимда фаолият юритиб келаётган хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди. 35 нафар ходим Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Бундан ташқари, вилоят солиқ хизмати органлари соҳасида кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган ходимларни моддий рағбатлантириш, уларнинг юбилей ёшларини нишонлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ўн тўққиз нафар ходимга соғлиқларини тиклаш учун санаторийларга йўлланма тақдим этилди.

Конференцияда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Зайниддинов сўзга чиқиб, соҳада меҳнат қилаётган барча аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга оид фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Нилуфар ШОДМОНОВА,**
Жиззах вилояти давлат солиқ хизмати органлари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

*Сирдарё вилояти*



## ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНДИ

**Тиббиёт ходимларига муносиб иш ўрни яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ўз устида ишлашлари учун шароит яратишга эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаларининг фаолияти эса бевосита ушбу мақсадлар билан чамбарчас боғлиқ.**

Боёвут тумани тиббиёт бирлашмасининг 2019-2021 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномаси бандларининг 2021 йилда бажарилишига оид ҳисоботида ходимлар манфаати кафолатлангани қайд этилди. Хусусан, жамоа шартномаси орқали 1 минг 365 нафар ишловчининг манфаатлари қамраб олинди.

Табиийки, бирлашмада асосий масалалардан бири, бу ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўлиб, ўтган йили ишчиларнинг ўртача иш ҳақи миқдори 1 миллион 600 минг сўмни ташкил этди. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этилган ходимларга икки ҳисса, тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баравар миқдорида иш ҳақи тўланди. Иш берувчи томонидан йил давомида ходимлар моддий рағбатлантирилди.

Меҳнат муҳофазаси учун ҳар бир ходимга ажратилган маблағ миқдори 192 минг сўмни ташкил этди. 20 та иш ўрни меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилди. Натижада, ходимларга қўшимча меҳнат таътиллари берилишига эришилди.

Аъзоларнинг 240 нафари Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкентга саёҳатга юборилди. Ходимлар ўртасида футбол мусобақаси, аёллар спартакиадаси ташкил этилди. 26 нафар тиббиёт ходими имтиёзли равишда санаторийларда соғломлаштирилди. Касаба уюшмасига келиб тушган мурожаатлар қонунчилик асосида тўлиқ қаноатлантирилди.

Йиғилишда жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг фаолияти қониқарли деб топилиб, 2022-2024 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси муҳокама қилинди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинди.

Жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан бу каби музокаралар барча тиббиёт бирлашмалари ва вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларида ўтказилмоқда.

**Раъно АБДАЛИМОВА,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси

*Самарқанд вилояти*

## ҚЎЛНИ БЕРИНГ, ИШ БЕРУВЧИ!

**Самарқанд давлат тиббиёт университетида 2019-2021 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг 2021 йилдаги ижроси муҳокама қилинди.**

Албатта, вазифаларни белгилаб олиш осон, аммо унинг ижроси ўйлантирадиган масала. Айтиш жоизки, жамоа шартномасида томонлар бир қатор қўшимча мажбуриятларни ҳам зиммага олган бўлса. Табиийки, энг аввало, ана шу ваъдаларга эътибор қаратилди. Белгиланган маблағларни йўналтириш, одатий шартлар, ваколат мажбуриятлари тўкис бажарилган. Аммо ҳаётнинг ёзилмаган қонунларига ижтимоий шерикларнинг муносабати қандай бўлди?

– Шароит тақозосига кўра иш кўриш, маъмуриятнинг эътиборини долзарб масалага қарата билиш етакчи зиммасида, – дейди университет касаба уюшма қўмитаси раиси Яхшинор Аллаёров. – Икки нафар собиқ доцент дард билан олишяпти. Улар биздан кетган-ку, дея бефарқ қарамадик. Маъмурият ҳам, касаба уюшмаси ҳам имкон қадар қўллаяпти. Дори-дармонгача ёрдам уюштиряпти.

Тасодифий ёнғин туфайли битта ходимнинг оиласи катта талафот кўрди. Жамоат ташкилоти бу илмий ходимни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўймади. Фавқулодда вазиятлар бошқармаси хулосаси асосида ошхонасини жиҳозлашга ёрдам кўрсатди. Ходимлар билан рўй берадиган, белгилаб олинмаган бундай ҳолатларда маъмурият ва касаба уюшмаси тезда оёққа турадиган мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар учун, энг муҳими, тўкис меҳнат шароити яратиб беришда бўлмоқда.

Ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг меҳнат жабҳасида билимлари ошириб келинаётир. Кўникмани шакллантириш доимий назоратда. 23 нафар ходим «Самарқанд касаба зиё» ўқув марказида техника хавфсизлигининг 36 соатлик дастури асосида ўқитилди.

Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний чиниқишини ошириш ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Ишловчилар учун алоҳида машғулот майдони ташкил этилиб, салкам етти миллион сўмлик қўшимча жиҳозлар ўрнатилди. Ходимларнинг Хоразм, Бухоро, Тошкент, Зомин ва бошқа манзилгоҳларга саёҳатлари ташкил этиб келиняпти. Факультетлар, курслараро турли спорт, маданий тадбирлар ташкил этиш анъанага айланган.

Муҳокама жараёнида жамоа шартномаси тадбирларининг бир йиллик ижроси жамоа томонидан муносиб баҳоланиб, келгуси режалар белгилаб олинди.

**Зуҳра МАМАТҚУЛОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири



*Навоий вилояти*

Касаба уюшмаси аралашгач...

## Мудира яна ўз жойида

**Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Оилавий поликлиника мудираси Шаҳноза Баракаева ўтган йилнинг майида бирлашма раҳбарининг розилиги билан янги лавозимда иш бошлаган эди. Афсуски, қувончи узоққа чўзилмади. Орадан олти ой ўтар-ўтмас раҳбариятнинг поликлиника мудирасига нисбатан фикр-мулоҳазаси ва муомаласи бутунлай ўзгарди.**

Мудира ўз касбини пухта эгаллагани боис «айб» деганлари ҳадеганда топилавермади. Охири уни ишдан олиш учун бошқача чора қўлланилди. Йўлки...

Кутилмаганда, Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмасининг навбатдан ташқари йиғилиши қўл келди. Унда тасдиқланган ва Шаҳноза Баракаеванинг қадр-қиммати кўр-кўрона топталган баённомага асосан 2021 йилнинг 14 декабрь куни бор-йўғи олти ойгина фаолият кўрсатган мудира билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Уни ишдан бўшатишнинг энг замонавий усули ўз натижасини берди. Кўпчилик бирлашма «арбоб»лари томонида туриб, чапак чалишдан нарига ўтолмади.

Орадан бироз вақт ўтгач, собиқ мудира Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига мурожаат қилди. Кенгашнинг меҳнат ҳуқуқ инспектори Алишер Раҳматов ўрганиш асносида Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан Шаҳноза Баракаева билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида Меҳнат кодексининг 101-, 102-, 107- ҳамда ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг 4-, 7-банди талаблари бузилганини аниқлади. Шунингдек, ишдан бўшатилаётган ходим раҳбарият томонидан ёзма равишда огоҳлантирилмагани, бирлашма касаба уюшмасининг розилиги олинмагани ҳам алоҳида қайд этилди. Натижада иш берувчининг меҳнат шартномасини тўхтатиш тўғрисидаги 261-сонли буйруғи бекор қилинди. Шаҳноза Баракаева ишига тикланди.

**Нормурод МУСОМОВ,**
«ISHONCH»

Қорақалпоғистон Республикаси

# Оғриқ тишлар...

# ХАРОБАГА АЙЛАНГАН ОРОМГОҲЛАР



**НУКУС ШАҲРИ ЧЕККАСИДАГИ СЎЛИМ ЖОЙДА ЖОЙЛАШГАН «ЖЕТКИНШЕК» (АВВАЛГИ НОМИ «КОСМОС») БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛИШИГА ЛОҚАЙДЛИК САБАБ БЎЛГАН.**

Яъни, «Жеткиншек» болалар оромгоҳи «Қорақалпоқ машина-трактор парки» бирлашмасига қарашли «Тахиатош агротехмаш» ОАЖ балансида бўлган. Навбатдаги мавсумга болаларни қабул қилиш учун тайёргарлик кўриш керак, аммо таъмирталаб аҳволдаги оромгоҳга ташкилот маблағ ажрата олмайди. Шу орада Тахиатош шаҳридан бир тадбиркор оромгоҳга тегишли барча сарф-харажатларни ўз бўйнига олиш ташаббуси билан чиқади, лекин йўлланмаларни ўзи ташкил қилиш шартини қўяди. Бу таклиф ҳокимиятдагиларга ҳам, бирлашма раҳбарларига ҳам маъқул келади.

Кейин тадбиркор таъмирлаш ишларини бошлаб юборади ва оромгоҳ мавсумга шай ҳолатга келади. Кейин... «тадбиркор»нинг қинғир ишлари фош бўлади. У болаларни дам олдиришни эмас, балки миссионерлик фаолиятни амалга ошираётган бўлиб чиқади.

«Жеткиншек» болалар оромгоҳининг фаолияти расман 2007 йилда тўхтатилган. 14,5 гектар ер майдонига эга, 80 ўринга мўлжалланган ушбу оромгоҳ атрофида 5 та болалар ёзги павильони, 5 та корпус, 1 та спорт зали, 1 та ёзги кино театр ва спорт майдончалари ҳамда 1 та фаввора мавжуд бўлган.





Бир вақтлар гуллаб-яшнаган, минглаб болаларнинг бахтли онларига гувоҳ бўлган оромгоҳ бугун хароб аҳволда. У яқин атрофда яшайдиган аҳоли моллари учун қўрага айланган.

**БИР ВАҚТЛАР ГУЛЛАБ-ЯШНАГАН, МИНГЛАБ БОЛАЛАРНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИГА ГУВОҲ БЎЛГАН ОРОМГОҲ БУГУН ХАРОБ АҲВОЛДА. У ЯҚИН АТРОФДА ЯШАЙДИГАН АҲОЛИ МОЛЛАРИ УЧУН ҚЎРАГА АЙЛАНГАН.**

Ҳозирда Нукус шаҳар ҳокимлиги балансида сақланиб келинаётган бу масканга кўз тикканлар ҳам кам эмас. Ҳокимлик вакилларининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясининг бўлими ёки Қорақалпоғистон Республикаси Онкология диспансери бинолари шу жойда қад ростлаши эҳтимоли бор. Балки ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимига берилар. Айни пайтда «Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти»га мувофиқ, «Ҳар бир ёшга бир гектар» лойиҳаси бўйича бандлиги таъминланмаган ёшларга 1 гектардан ажратиб бериш ҳам мўлжалланаётган экан.

Аммо, ўзига оҳанрабодек ром қиладиган сўлим гўша учун фақат болалар оромгоҳи ёки санаторий каби лойиҳалар мосдек туюлади.

«Қанийди, бу ерга ҳам Мўйноқдаги «Оқ кема» каби муҳташам болалар оромгоҳи қад ростласа. Қорақалпоғистонда болалар оромгоҳларига талаб катта. Масалан, ҳудудда 7-14 ёшдаги болалар сони 200 минг атрофида. Бир йилда шуларнинг атиги 5 минг нафаригина дам олдирилади. Бу 2,5 ошиб кетса, 3 фоиз дегани. «Инсон қадри учун» тамойили остида қанчадан-қанча янги ташаббуслар кўтарилмоқда. Биз ҳам болаларимиз келажагини ўйлашимиз керак. Оромгоҳлар ташкил этиш масаласи ҳукумат даражасида кўтарилиши лозим. Масалан, «Жеткиншек» болалар оромгоҳини қайта тикласак, йилнинг барча мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш мумкин», дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Гулмурат Тлепов.

Хароб бўлган оромгоҳлар қаторига Нукус шаҳри шимолидаги Аччиқкўл қирғоғидаги «Жулдизша» болалар оромгоҳини ҳам киритиш мумкин. Ажойиб табиат бағрида бўлган оромгоҳдан ҳозирда асар ҳам қолмаган. Фақатгина собиқ иттифоқ даврига оид эсдалик-монументлар «қад ростлаб» турган бўлмаса, бошқа биноларнинг ўринлари текисланиб ташланган, қалин дарахтзордан эса ном-нишон йўқ.

«Жулдизша» оромгоҳи 1954 йилда қурилган бўлиб, 1,4 гектар майдонга эга, 80 ўринга мўлжалланган эди. 2005 йилдан буён фаолияти тўхтатилган оромгоҳда ҳар навбатда 80 нафар бола қабул қилинган. Оромгоҳда 2 та ёзги павильон, 1 та ошхона, 1 та тиббиёт хонаси, 1 та омборхона ва 1 та душ мавжуд бўлган.

Айни пайтда хусусий тадбиркорлик жамияти балансидаги ҳудуд келгусида сув спортини ривожлантириш учун мўлжалланмоқда.

Шунақа гаплар, агар оромгоҳларнинг эски альбомларда сақланган суратларини кўрсангиз, ҳавас қиласиз. Аммо уларнинг ҳозирги кундаги аҳволидан хабар топсангиз, чуқур хўрсиниб қўясиз...

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

---

Наманган вилояти



**Наманган вилоятида бир вақтлар корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфида 19 та болалар оромгоҳи бўлган. Шундан бугунги кунда саккизтаси амалда фаолият кўрсатади, иккитаси эса қайта қурилмоқда. Афсуски, қаровсиз ҳолатга келгач, сотиб юборилган ва бошқа мақсадларда фаолият кўрсатаётган оромгоҳларнинг аксарияти камида 20 йил олдин ёпилиб кетган.**

# АРХИВЛАРДА ҚОЛГАН НОМЛАР





Чуст туманидаги «Сўлим», «Дилшод», «Дўстлик», Янгиқўрғон туманидаги «Шаршара», «Ғунча» ҳамда Косонсой туманидаги «Қурувчи» оромгоҳлари шу кунгача хусусийлаштирилиб, фуқароларнинг мулкига айланиб бўлган. Ўз вақтида болаларни қучоғига олиб, уларга маънавий, руҳий ҳордиқ бера олган бу ёзги оромгоҳларнинг номи бугун архив қоғозлардагина қолган, холос.

Хўш, сўлим гўшаларда барпо этилган бу оромгоҳлар нега бирин-кетин ёпилиб кетган? Нега масъуллар бунга бефарқ қарашган?!. Ана шу бефарқлик туфайли бугун амалдаги оромгоҳларнинг эрта-индин ёпилиб кетмаслигига ким кафолат беради?!

Бу ҳолатга йўл қўймаслик учун ҳаракатни бугундан бошлаб, оромгоҳларни тубдан яхшилаш, мавжудларини сақлаб қолиш керак.

Айни пайтда вилоятда жами 8 та стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд. Янгиқўрғон туманидаги «Камалак» ҳамда «Лола», Норин туманидаги «Норин» оромгоҳлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши тасарруфида бўлиб, ушбу масканлар бириктирилган вакиллар томонидан доимий назорат қилиб борилади. Бундан ташқари, Уйчи туманидаги «Уйчи умид ниҳоллари», Косонсой туманидаги «Олмазор» ва «Соҳил», Поп туманидаги «Офтобча» ҳамда Чуст туманидаги «Баркамол авлод» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу оромгоҳлар тақдири кўп ҳолларда уларга эгалик қилувчилар қўлида қолиб кетмоқда.

Ҳудудлардаги ёзги оромгоҳларнинг бу йилги аҳволи, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида касаба уюшмалари вакиллари томонидан ўрганишлар олиб борилди. Ўрганишлар чоғида юқоридаги масканларнинг аксариятида кўплаб камчиликлар борлиги аниқланган.

Уйчи тумани ҳокимияти балансидаги 400 ўринга мўлжалланган «Уйчи умид ниҳоллари» оромгоҳида йил бўйи таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари умуман олиб борилмаганлиги маълум бўлди. Айниқса, ётоқхона жиҳозлари, ўриндиқ курсилар таъмирталаб аҳволда бўлиб, уларни янгиларига алмаштириш зарурати бор. Мазкур оромгоҳ учун бириктирилган касаба уюшмалари вакили Қодирхон Мавлоновнинг берган маълумотига кўра, ушбу маскан ўтган йили аукцион тизими орқали якка тартибдаги тадбиркорга ижара шартномаси асосида берилган. Ҳозирда тадбиркор томонидан оромгоҳнинг биринчи биносида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ўрганишлар давомида илгари Поп ўрмон хўжалиги тасарруфида бўлган 140 ўринга мўлжалланган «Офтобча» болалар маскани ҳам мутлақо қаровсиз аҳволдалиги маълум бўлди. Айни пайтда бу ерда мавсумга тайёргарлик ишларига ҳатто қўл ҳам урилмаган.

**ЎРГАНИШЛАР ДАВОМИДА ИЛГАРИ ПОП ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ТАСАРРУФИДА БЎЛГАН 140 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН «ОФТОБЧА» БОЛАЛАР МАСКАНИ ҲАМ МУТЛАҚО ҚАРОВСИЗ АҲВОЛДАЛИГИ МАЪЛУМ БЎЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА БУ ЕРДА МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИГА ҲАТТО ҚЎЛ ҲАМ УРИЛМАГАН.**

Косонсой туманидаги «Олмазор» ҳамда «Соҳил» болалар оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ишлари бошланган. Аммо «Олмазор» оромгоҳида ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина эканлиги жойида олинган фотосуратларда ҳам яққол акс этган.

Бу йилги ёзги мавсумга ҳам кўп вақт қолмади. Афсуски, оромгоҳларни мавсумга, яъни болаларни қабул қилишга тахт ҳолатга келтириш ишлари кўнгилдагидек эмас. Ҳали ишлар кўп.

Маълумот учун, Наманган вилоятида бу йилги мавсумда жами 8000 нафар бола шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда соғломлаштирилиши режалаштирилган. Шундан 5400 нафари касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан, қолган 2400 нафари эса шаҳар, туман ҳокимликлари ҳамда ҳомийлар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Орзугул РУСТАМОВА, «ISHONCH»

---

Долзарб мавзу

# ОНЛАЙН ФИРИБГАРЛИК

## БИЗ НИМАЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК?



**Оддий изоҳ: Фириб сўзи алдаш, йўлдан оздириш, макр-ҳийла маъноларини билдиради. Шу ишни қилган ёки буни касбга айлантириб олган кимсага эса фирибгар дейилади.**

Энди моҳиятга келсак, ҳамма замонларда ҳам фириб ва фирибгарлик бўлган. Кейинги пайтда эса фирибгарлик ҳам «замонавийлашди». Шунчаки, ҳамма интернетга ва ижтимоий тармоқларга кўчиб ўтган замонда улар ҳам ўз макр тўрларини шу ерда ёя бошлади.

Бугун онлайн бизнес ривожланмоқда, ва афсуски, онлайн фирибгарлик ҳам...

Ахборот технологиялари орқали амалга оширилаётган фирибгарликлар – хайрия маблағлари учун ташкил қилинган пластик карталардан пул ечиб олиш ҳолатлари, ер, уй олди-сотдиси кабиларни ташкил этади. Кўп учрайдиган фирибгарлик ҳолатларидан яна бири бу чет элга ишга жўнатиш, хориждаги учинчи шахслардан сизнинг маълум миқдордаги пул мукофотини ютиб олганингиз ҳақидаги келадиган хатлардир. Фирибгарликнинг яна бир тури – молиявий пирамида. Молиявий пирамиданинг кенг қулоч ёйиши ва унинг хизматига аҳолининг ёппасига қизиқиши қуйидаги омилларга боғлиқ: ишсизлик ва даромаднинг пастлиги, молиявий ва ҳуқуқий саводсизлик.

Фирибгарлар мақсадини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий топиб бораётган бир вақтда фирибгарлар интернет тармоқларидан кенг фойдаланиб, одамларни алдаб чув тушириб кетишга уринмоқдалар.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 10 ойи давомида компьютер технологиялари орқали содир этилган фирибгарликлар тури 32 тага етган. Чет элга жўнатиш билан боғлиқ товламачиликлар тури эса 37 тани ташкил этган. Ўқишга ва ишга киритиб қўйиш ҳақидаги алдовлар сони ҳам «ўсиш»дан тўхтамаяпти. Ачинарлиси, ўтган йили фирибгарлик ҳолатларини содир этганларнинг 463 тасини аёллар ташкил этган. 511 таси муқаддам судланганлар, 1277 таси эса ишламайдиганлар томонидан амалга оширилган.

Хўш, фирибгарларнинг тузоғига илинмаслик учун нималарга эътиборли бўлиш лозим.

Мутахассислар бунинг учун, энг аввало, шахсий маълумотларга эҳтиёт бўлиш зарурлигини таъкидлашади. Ижтимоий тармоқларда кўрсатилган шахсий маълумотларнинг ўзи жиноий гуруҳлар қурбони бўлиш учун етарлидир.

Шундай экан, шахсий маълумотларни бировга юборишдан аввал чуқур ўйлаб кўриш керак. Ҳозир онлайн-харид соҳасида, тўлов картаси билан, онлайн-насия бериш соҳасида телефон қўнғироқлари ва SMS хабарномалардан фойдаланган ҳолда маблағни ўзлаштириб олиш ҳоллари кўпайиб кетган.

Шу боис, барчамиз интернетдан фойдаланганда эҳтиёт бўлишимиз керак. Виртуал оламда яхши ниятда кезаётганлар ҳам, қабиҳ мақсадда юрганлар ҳам бор.

Тўғри, қонунчиликда ҳозирги вақтда авж олаётган ва жуда кўпчилик арз қилаётган онлайн фирибгарлик ва ўғрилик жиноятлари учун жазо чоралари мавжуд. Аммо шуни унутмаслик керакки, аввало, ўзимиз эҳтиёткор бўлишимиз, бундай ҳолатларга имкон қолдирмаслигимиз даркор.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА, «ISHONCH»

**Гапнинг дангалини айтганда, касаба уюшмалари тизимида опани танимаган киши йўқ. Ким билан гаплашсангиз, у кишини ўзгача ҳурмат билан тилга олади. Опа кўп билан ишлайди-да. Кўп билан ишлашнинг эса ўзига хос юки бўлади. Аммо опа барчасини эплайди. Эплаганда ҳам тартиб билан, маромига етказиб бажаради ишларини.**



# «Ўзимизнинг Маҳмуда опа»

Биласиз, санаторийларда турли соҳа вакиллари ҳордиқ чиқаради. Уларнинг дунёқараши ҳам турлича. Дам олувчиларнинг кўнглини олиш, уларни нафақат жисмонан, балки маънан ҳам улғайтириш, руҳлантириш катта вазифадир. Бугун сиҳатгоҳларда бу борада эришилаётган ютуқларни эшитганимизда эса беихтиёр барчанинг ёдига опа келади.

Ҳа, ўзимизнинг Маҳмуда опа. Кенгроқ ва батафсил таништирганимизда – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси Ўқув-услубий марказининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаева.

Маҳмуда опа Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлагандан буён умумий таълим ҳамда касаба уюшмалари тизимида самарали фаолият олиб бормоқда. Ҳар ишда фаол бўлиб, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажармоқда. Жумладан, Таълим ва фан касаба уюшмаларида кўп йиллар соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда муносиб ҳисса қўшган. Ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб эшик қоқиб келган ҳар қандай мурожаатчига ёрдам қўлини чўзган, маслаҳатларини аямаган.

Опа маданий-маърифий ва спорт ишлари борасида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда республика миқёсида турли кўрик-танловлар, семинарлар, конференциялар, спорт мусобақаларининг ўтказилишига бош-қош бўлди. «Уч авлод учрашуви», «Аёл – она, ўқитувчи, касаба уюшма фаоли», «Онам айтган аллалар», «Энг намунали талабалар турар жойи» каби тадбирлар ва кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Опанинг кейинги саккиз йиллик фаолияти бевосита Санатор-курортлар бошқармаси билан боғлиқ. Бу даврда Федерация тасарруфидаги санаторийларда маданий-маърифий ишлар талаб даражасига кўтарилди. Ушбу соҳа бўйича масъул ходимлар ва кутубхоначиларнинг намунавий иш режаларини тузиб, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши натижасида мазкур йўналишдаги ишлар тизимли йўлга қўйилди ва доимий назорат ўрнатилди.

Ҳудудлардаги маънавият ва маърифат марказлари, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғини, диний идоралар билан ҳамкорликда «Маърифат соатлари»ни ўтказиш, кўрик-танловлар, фестиваллар, шоир ва ёзувчилар, олимлар, эл ардоғидаги инсонлар билан учрашувлар уюштириш йўлга қўйилди.

Бугина эмас. Маҳмуда опа бир неча йилдан бери Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келаётган «Central Asia: фан, таълим, маданият ва бизнесда кутубхона – ахборот ресурслари» мавзуидаги халқаро конференцияларда ўз маърузалари билан қатнашиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва коммуникациялар агентлигининг «Ахборот-кутубхона аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда санаторийлар кутубхоналарида яхши анъана юзага келган, бу ҳам бўлса, ўзбек мумтоз ва ҳозирги замон адабиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кунлари муносабати билан шеърият кечалари, китоблар кўргазмаси, адабий учрашувлар ташкил этилади. Тўрт йилдан бери «Китоб тақдимоти», санаторий ходимлари ўртасида «Энг яхши китобхон ходим» танловлари ўтказилаётгани ҳам айни муддао бўлаётир.

Маҳмуда опа турмуш ўртоғи Комилжон Мурзаев билан бахтли турмуш кечирмоқда. Улар икки ўғил, икки қизни вояга етказиб, олий маълумотли қилишган. Барчаси ҳозирда эл-юрт хизматига камарбаста. Қизи Нодира кардиолог, тиббиёт фанлари номзоди, Малоҳат ўқитувчи, ўғли Алишер тадбиркор, Рустам божхоначи, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Маҳмуда опа Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Хотин-қизлар кенгаши аъзоси, кенгашнинг маданий-маърифий, спорт ишлари гуруҳига раҳбарлик қилади. Ташкилотчилиги, ўзига юклатилган вазифани бажаришда масъулиятни ҳис этиши, самимийлиги ҳамда кўп йиллик ҳаётий тажрибасини ҳаётга оқилона қўллаши билан тизим ходимлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган.

Таъкидлаш жоизки, опанинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти муносиб эътирофини топган. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун 2005 йилда «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, 2013 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Эҳтиром нишони», 2019 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг «Мўътабар аёл», 2021 йилда II даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари билан мукофотланган.

...Маҳмуда опани касаба уюшмалари тизимида танимаган киши йўқ. Муҳими, барча опадек фидойи инсон билан ёнма-ён ишлаётганидан фахрланади. Ким билан опа ҳақида суҳбатлашманг, бир олам таъриф келтиради. Таъриф-ки, бари ижобий. Яъни, меҳнаткаш, фидойи, ғамхўр, ҳақгўй, меҳрибон, оилапарвар, ўзгалар кўнглига йўл топа оладиган...

Тилагимиз шуки, эл дарди билан яшаётган Сиз каби покиза қалбли ходимлар кўпайсин. Маҳмуда опа, Сиз эса ҳеч қачон эл хизматидан чарчаманг!

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
«ISHONCH»



# ДУНЁ БОЛАЛАРИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯ ТОПМОҚДА?

**Юртимизда болалар ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимояланган. Халқимиз болажон халқ. Буни, албатта, барчамиз яхши биламиз.**
**Хўш, хорижда-чи, болалар ҳуқуқлари, уларнинг таълим ва тарбия борасидаги имкониятлари қандай тавсифланган? Қуйида шу ҳақда ҳикоя қиламиз.**



**Япония.** Кунчиқар мамлакат аҳолиси фарзандлар тарбиясига ўта жиддий қарайди. Бу ерда ҳар бир ёшга нисбатан маълум бир муносабатда бўлинади, ва керак бўлса, алоҳида тарбия усуллари қўлланилади.

Машҳур япон руҳшуноси Масара Ибукининг фикрига кўра, болага асосий тарбияни 3 ёшгача бериш лозим. Айнан 3 ёшга қадар фарзандингиздаги яширин иқтидорни юзага чиқариш мумкин. Японияликлар 5 ёшгача бўлган кичкинтойга қиролдек муомала қилишади. Улар истаганларича ўйнашлари, миясига келган ишни қилишлари мумкин. Ҳаттоки, боғчаларда жажжилар фломастер билан деворга чизиб ўйнашлари учун махсус хоналар мавжуд. Ота-оналар ўз фарзандларини ортиқча ўйинчоқлар ва кийим-кечак билан сийлашмайди. Улар кўпинча акалари ва опаларидан қолган кийимларни кийишади. Сайрга чиққанда эса болаларда атроф-муҳитга нисбатан меҳрни уйғотиш мақсадида турли ўйинлар ўйналади. 6 ёшдан 15 ёшга қадар болаларни тартиб-интизомга ва катталар гапини икки қилмасликка ўргатишади.

15 ёшдан сўнг эса ўсмирларга тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қаралади. Мактабда ҳар бир бошланғич синф ўқувчисини юқори синф ўқувчилари оталиққа олишади. Кичик синф ўқувчиларининг тушлиги синфга олиб келиб берилади, уларнинг муаммоларини «Ота-она қўмитаси» ҳал қилади.

Мактабда ота-оналар йиғилиши ўтказилмайди. Ўқитувчи ҳар бир ота-она билан мулоқот вақтини белгилайди ва бу учрашув 15 дақиқадан ошмайди.

Япония дунёда ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликнинг камлиги ва ҳаёт фаровонлиги юқорилиги билан етакчидир. Албатта, бунда тарбиянинг роли жуда ҳам катта.

**АҚШ.** Бу мамлакатдаги эркинлик бола тарбиясида ҳам ўз аксини топган. Оналар фарзандларининг ҳар бир қизиқиш ва инжиқликларини қондиришга тайёр. Аксарият болалар 4-5 ёшларида ўйинчоқларнинг деярли барча тури билан танишишади. Америкалик болакайлар гўдаклигиданоқ «Сен энг чиройлисан, энг ақллисан, энг қобилиятлисан», деган сўзларни ҳар куни эшитади. Болага бундай муносабатдан мақсад – мустақил инсонни тарбиялаш! Агарда бола хато қилса, уни урушмасдан, аксинча, «Яна бир маротаба ҳаракат қилиб кўр! Сен, албатта, буни уддалайсан! Чунки сен зўрсан!» дея қўллаб-қувватланади. Бундай ёндашув эса келгусида ўз мевасини беради.

**Швеция.** Болаларга шаклланган шахс сифатида қаралади. Шунингдек, шведларда ўзига хос бағрикенглик, ўзгаларнинг маданияти, дини ва ирқига нисбатан ҳурматда бўлиш, агарда инсоннинг бирор жисмоний ёки руҳий камчилиги бўлса, унга тенгқур инсон сифатида қараш болаликдан сингдирилади.

Ҳар йили «Save the children» ташкилоти дунё мамлакатларининг қайси бирида оналар ва болалар яхши яшаётганлигини, рўйхатни эълон қилади. Унда **Швеция** деярли доим биринчи ўринни эгаллайди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Швеция биринчилардан бўлиб фарзандига қўл кўтарган ота-оналарни жазолай бошлаган. Боғчаданоқ болалар ўз ҳуқуқларини биладилар. Мазкур усул «стрессиз тарбия» деб аталади. Аммо шведлар бола тарбиясида маълум чегараланиш бўлиши лозим, деб ҳисоблашади. Болани фаол, ўз фикрини билдирадиган, мустақил, олдига қўйган мақсадига эришадиган инсон сифатида тарбиялашга ҳаракат қилишади. Ота-онанинг фарзандига қўл кўтариши, бақириши, бир нарса сўраса, унга тушунтирмаслиги, «Йўқ, дедимми, йўқ!» дейиши тарбиясизлик ҳисобланиб, қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. Ижтимоий хизмат ходимлари ҳудуддаги ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан хатти-ҳаракатидан доимий хабардор бўлиб туришади. Агарда сал ножўя ҳаракат сезилса, суд орқали бола ота-онадан тортиб олинади. Судлар фақатгина бола манфаатидан келиб чиққан ҳолда иш кўради.

**Финляндия** – дунёдаги энг болажон мамлакат. У ерда жисмоний имконияти чегараланган болалар ҳам оддий боғча ва мактабларга боришади. У ерда ногирон ва соғлом болага ажратиш йўқ. Ўйинлар кичкинтойларни ривожлантиришга хизмат қиладиган асосий воситадир. Ота-оналар бунга катта эътибор беришади. Шунинг учун ҳам барча таълим муассасалари ҳамда жамоат жойларида болаларга мўлжалланган майдончалар, махсус хоналар мавжуд бўлиб, кафеларда болалар учун таомномалар, жамоат транспортида эса алоҳида ўриндиқлар бор.

**Германияда** болаларга 3 ёшдан бошлаб катта эътибор берилади. Болажонларга ёшлигиданоқ тежамкорлик, интизомли бўлиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, одоб-ахлоқли бўлиш ўргатилади. Болаларга кичик ёшида телевизор кўришга рухсат берилмайди ва эрта туриш учун соат 20.00 да ухлашга ётқизилади. Шунингдек, кичкинтой кунни режалаштиришга, муҳим саналар (масалан, қариндошларнинг туғилган кунлари)ни ёдда сақлашга, ўз харажатларини назорат қилишга ўргатилади.

Мактабларда бошланғич синфлардаги барча фанлар ўйин тарзида ўтилади. Мактаб 9 йиллик бўлиб, ўқувчи шаънига путур етмаслиги учун, ҳаттоки назорат ишлар баҳолари синфда эълон қилинмайди, ота-оналарга алоҳида айтилади. Бола бир кун дарс қолдирса, таълим полицияси дарҳол бунинг сабабларини аниқлашга киришади. Сабабсиз ҳолат бўлса, ота-онага жарима солиши мумкин. Жисмоний камчилиги мавжуд ўқувчилар оддий мактабларга боришади, ақлий жиҳатдан камчилиги мавжуд болалар махсус мактабларда ўқитилади. Германияда 9 ёшга кирмаган болани уйда ёлғиз қолдириш мумкин эмас. Шу сабабли оналар ярим ставкада ишлашга ёки энага ёллашга ҳаракат қилишади.

Ҳа, дунё болалари шундай тарбия топмоқда, таълим олмоқда. Албатта, кўриб чиққан мисолларимиз ривожланган давлатлар ҳаётига тегишли. Демак, бола тарбияси ва таълимига беэътибор бўлмаган жойда тараққиёт ҳам бўлади.

**Шаҳноза ТУРИКОВА,**
Янгиҳаёт туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

*Бухоро вилояти* — **Фикр**

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ КАЙФИЯТИ ҚАНДАЙ?

## *Ёхуд мактаблардаги тарғиботчилик ўзининг қанчалик самарасини бермоқда?*

**Мактабларда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий қилинганига ҳам бир йил тўлди. Хўш, бу муддат давомида кўзланган мақсадлар қай даражада амалга оширилди, қандай муаммоларга дуч келинди?**

Дастлаб ушбу лавозимга номзодлар тегишли ташкилотлар томонидан сараланиб, суҳбатдан ўтказилиб, танлов асосида ишга қабул қилинди.

Вобкент – чекка туман бўлгани боис, бу лавозимга асосан, мактаблардаги ижодкор ўқитувчилар ҳамда она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари жалб қилинди. Улар қаторида мен ҳам иш бошладим. Илгари оила, фарзанд тарбияси туфайли эркин журналист сифатида фаолият кўрсатардим. Шу боис, янги ишга астойдил шўнғиб кетдим.

Ўтган давр мобайнида турли тадбир, танлов, акция ва лойиҳаларни амалга оширдик. Туман миқёсидаги «Туман ҳокимият кубоги», «Ёш китобхон», «Китобхон оила», «Зукко китобхон» каби танловларда ўқувчилар фаол иштирок этишди. Тарғиботчилардан тузилган жамоа «Зукко китобхон» танловининг Республика босқичида қатнашишга эришди.

Тумандаги мактабларда таълим олаётган ижодкор ёшларни аниқлаб, уларнинг қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида турли танловлар эълон қилиниб, ғолиблар рағбатлантирилиб борилди.

Мамлакатимиз миқёсидаги ҳар бир тарихий сана ва байрамлар, атоқли ижодкорлар ва шахсларнинг таваллуд кунлари муносабати билан танлов ҳамда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

«Ўз иқтидорингни намоён қил», «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам», «Зукко китобхон» каби танловларнинг вилоят ва республика босқичларида ўқувчиларимиз муносиб иштирок этишди.

Яқинда Вобкент тарихига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар ёшлар қалбида аждодлар мероси ва ватан тарихига муҳаббатни янада оширади.

Маълумки, мактабдаги тарғиботчиларга таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар ташкил этиш ҳам юклатилган. Мен бир неча бор таниқли ижодкорларни Бухорога таклиф қилдим. Масалан, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси маслаҳатчиси, таниқли шоир Азиз Саид билан уюштирилган ижодий учрашув ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Айтмоқчи бўлган фикр шуки, авваллари маънавият ва маърифат деган сўзни эшитса, кўпчиликнинг энсаси қотиб, маънавият-маърифат соатларида мажбуран ўтирарди. Эндиликда ҳолат бутунлай ўзгарди, бу борадаги ишлар ҳақиқатан ҳам такомиллашиб, жонланган. Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир ғояни амалга оширишда астойдил меҳнат қилинса, у албатта, ўз самарасини беради. Биз бунга ўз фаолиятимиз давомида гувоҳ бўлдик.

**Шоира РАҲМОНОВА,**
журналист

**Эълонлар**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги «Энергетика вазирлиги ҳузурида миллий диспетчерлик маркази давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги 126-сонли қарорининг 8-бандига асосан «Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамияти «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиали этиб қайта ташкил этилаётганини хабар қилади.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 4 май куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23-уй манзилидаги «Иссиқлик электр станциялари» АЖ биносида «Муборак иссиқлик электр маркази» АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз.

**Маъмурият**

***

«Hamkor Sugʻurta» АЖ Тошкент вилояти филиали ҳамда Умаржонов Бекзод Айниддин ўғли томонидан имзоланган 11/008 сонли «Агентлик битими» асосида 2021 йил 16 июнь кунидаги далолатномага асосан олинган HSL 0030201-0030400, HSU 0007401-0007500, HSU 0009201-0009500, HSL 0042001-0042500 сонли суғурта полислари йўқолгани маълум қилинади.

Мазкур полислардан «Hamkor Sugʻurta» АЖга зарар етказилган тақдирда уни Умаржонов Бекзод Айниддин ўғли фуқаролик тартибида қоплаб беришни ўз зиммасига олади.

**МУАССИС:**
Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
*(таҳрир ҳайъати раиси),*
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
*(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
Меҳриддин ШУКУРОВ
*(Масъул котиб – «Ishonch»),*
Валентина МАРЦЕНЯК
*(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** – (+998-91) 406-43-24
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти —** (+998-93) 573-77-14
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** А. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:** Д. Худойберганова
**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **18:30**
Топширилди – **18:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **V- 5112**
**34351** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Oʻzbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130